

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 28-may, chorshanba № 42 (15784)

## ЛАТВИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш 27 май куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.*

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Латвия делегацияси шаҳар ташқарисидagi Кўксаройда ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Навбатдаги Ўзбекистон – Латвия олий даражадаги учрашувига Ўзбекистон Президентининг 2013 йил октябрь ойида Рига шаҳрига ташрифи доирасида ўтказилган самарали давлатлараро мулоқотнинг мантиқий давоми сифатида қаралмоқда.

Тошкентда томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни мустақамлаш истиқболларини муҳокама этадилар.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқига аъзо давлатлар орасидаги ҳамкорлари ичида ўзаро савдо ҳажми бўйича Латвия учинчи ўринда туради. 2013 йил якунарига кўра мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш 248 миллион АҚШ долларидан ошган.

Латвия Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасидаги асосий тадбирлар 28 майга мўлжалланган.

Аввал хабар қилингандек, музокаралар якунари бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёотини қабул қилиш, Ўзбекистон ва Латвия ўртасида турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга йўналтирилган қатор ҳужжатларни имзолаш режалаштирилган.

ЎЗА



Рустам Назарматов олган суратлар

## БОЛА КУЛГИСИ — ДУНЁ ҚУВОНЧИ

*Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган 28 майдан 3 июнга қадар «Хар бир фарзандга меҳр, эътибор!» шиори остида махсус ҳафталик бўлиб ўтади. Мазкур ҳафталик доирасида республикамиз миқёсида бир қатор тадбирлар ўтказилади.*

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Сен ёлғиз эмассан!» болалар жамоатчилиги ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилаётган ҳафталик

нинг дастлабки қисми пойтахтимиздаги «Тошкент-Ленд» болалар истироҳат боғида бўлиб ўтди. Ушбу хайрия тадбирига пойтахтдаги 21-, 22-, 23-, 24-, 30-, 31-мехрибонлик уйлари ва SOS болалар маҳаллалари, Тошкент вилоятидаги 14- ва 15-мехрибонлик уйлари ҳамда Гулистон болалар шаҳарчаси

тарбияланувчилари, шунингдек, Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари тизимида ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар фарзандлари жалб этилди.

— Ҳафталик доирасида «Ер кўррасида тинчлик» расмлар танлови ўтказилиб, ҳайвонот боғи ва Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғига саёҳатлар уюштирилади, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг матбуот котиби Аббос Эргашев. — Бугунги тадбир

дастлабкиси бўлиб, унда бир минг уч юз нафар бола иштирок этмоқда. Бу ерда улар учун маданий дастур, турли кўнгилочар ўйинлар ташкил этилмоқда.

Хайрия акциясида қатнашаётган Исмоил Солиҳов Гулистон болалар шаҳарчаси тарбияланувчиси. У ушбу шаҳарчага ўн ёшида келган. Айни кунда Гулистон шаҳридаги 16-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

— Шаҳарчамизда ҳар бир коттеж бир оила саналади. Бизнинг оиламизда саккиз нафар ўғил бола ака-ука тутиниб, иноқликда яшаб келяпти. Бизга Тўйгул Муродова оналик қилади. Шаҳарчамизда рақс,

моҳир кўллар, мусиқа, волейбол, футбол, стол тенниси, компьютер каби ўн бешта йўналишда тўғарак фаолият кўрсатади. Мен зарбли чолгулар тўғарагига қатнашаман. Келажақда футболчи бўлмоқчиман. Шунинг учун Гулистон шаҳридаги 4-болалар спорт мажмуасида футбол сирларини ўрганипман. Шаҳарчамизда барча шароитлар етарли, камчиликлар йўқ.

Тадбир давомида болажонлар боғдаги барча аттракцион ўйинларда ўқишиб, мароқли ҳордиқ чиқаришди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» муҳбири**

## Hududlardan mujdalar

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

### Тошкент давлат аграр университетида китоб байрами бўлиб ўтди.

Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими ҳамда университет ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда ёзувчи ва ёшлар учрашуви, китоблар кўргазмаси ҳамда китоб савдоси ташкил этилди. Учрашувда Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, шоирлар Ашурали Боймурод, Ботир Эргашев, Зарифа Эралиева сўзга чиқиб, китоб ва унинг ёшлар тарбиясидаги роли ҳақида гапиришди ҳамда ўзларининг янги шеърларидан ўқиб беришди.

Тадбир сўнггида энг яхши китобхон ва энг яхши китоб дўкони сотувчисига эсдалик совғалар топширилди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

### Бухоро шахридаги марказий истироҳат боғида 1 июн — халқаро болаларни химоя қилиш куни муносабати билан «Барча шодлик сенга бўлсин, болажон!» шиори остида акция ташкил этилди.

Бухоро вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда уйда тарбияланаётган ногирон болалар, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда махсус мактаб-интернат ўқувчилари, кам таъминланган оилалар аъзолари иштирок этди. Тадбир давомида иштирокчилар «Эртақлар оламига саёҳат», «Соғлом бола, қувончингдан янграсин олам», «Сехрли бармоқчалар», «Истеъдодлар майдончаси», «Болаликнинг беғубор орзулари» каби лойиҳаларда зукколикларини синаб кўришди. Тадбир сўнггида лойиҳаларда фаол иштирок этган болажонлар эсдалик совғалар билан тақдирланди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

### Кармана туманидаги Қосимшайх мажмуаси музейида «Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот» мавзусида кўргазма ташкил этилди.

«Музейлар ойлиги» доирасида ўтказилган мазкур кўргазмада тумандаги «Ёшлар маркази»нинг амалий санъат тўғараги фаоллари ҳам ўз ижод намуналари билан қатнашди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

### Самарқанд шахрида «Таълим ва мутахассислик» кўргазмаси бўлиб ўтди.

Харакатнинг вилоят кенгаши, ўрта махсус, касб-хунар таълими, халқ таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамда савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур кўргазмада олий таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари, тижорат банклари, иш берувчи ташкилотлар, тадбиркор ва хунармандлар ўзларининг кўргазмалари билан қатнашди.

# УМУМ АЖДОДЛАРНИНГ МУНОСИБ АВЛОДЛАРИ

48-халқаро Менделеев олимпиадасида тўрт нафар  
ТЕНГДОШИМИЗ ҒОЛИБ БЎЛДИ

*Хушxabарнинг қаноти бор, учади. У доим «парвоз»га шай турадики, гар учса, бир зумда узоқ-яқин манзилларни айланиб, инсонларга қувонч улашади, қалбларда ҳайрат, фахр ҳиссини уйғотади. Шундай хурсандчилик хабари Москвадан «учиб», сониялар ичида юртимизга келди-ю, кўнгилларни нурафшон қилди.*

Унинг қисқача мазмуни шундан иборат: кимё фанидан Москвада ўтказилган 48-халқаро Менделеев олимпиадасида ўзбекистонлик ёшлар битта кумуш, учта бронза медални қўлга киритди. Улар орасида ўтган йилги мазкур олимпиаданинг бронза медали соҳиби, Бухоро давлат университети қошидаги 3-академик лицей ўқувчиси Суннатулло Фазлиев ҳам бор.

— Олимпиадада иккинчи ўринни олганимни эшитганимда, беихтиёр кўзимдан ёш чикди, — дейди у. — Чунки бу ғалаба нафақат меники, ота-онам, устозларимники, Ватанимники ҳам эди. Бизни ҳаммаша қўллаб-қувватлайдиган халқимиз, бизга ишонадиган Юртбошимиз ишончини оқлаганимдан бошим осмонга етди.

Суннатулло ҳаяжонли паллаларни шундай, энтикиб сўзлаб берди. Ва бу ҳаяжон унга ярашади ҳам. Негаки, қаҳрамонимиз халқаро Менделеев олимпиадасида ўн олти давлатдан келган 105 нафар иштирокчи ичида 187 балл тўплаб, иккинчи ўринни эгаллади, яъни у нафақат кимё фанидан олган билимларини кўрсатди, шу билан бирга мамлакатимизда таълим тизимининг юқори сифатли эканлигини ҳам ис-

ботлаб бера олди.

Суннатулло ўн тўрт ёшида кимё оламига кириб келди. Ўшанда у Вобкент туманидаги 18-мактабда ўқирди. Атрофдаги жамики нарсаларнинг тузилишини ўрганиш истаги унинг бу фанга бўлган қизиқишини янада оширди. Устози Марям Исроилова боладаги интилиш, билим олишга бўлган иштиёқни кўриб, Суннатуллога фаннинг ўзига хос сирларини ўргата бошлади. Шогирдининг: «қандай, нима учун, нима у?» дея кўп такорлайдиган саволларига эринмай жавоб берди. Яхши муҳит, яхши инсонлар кўмагида Суннатулло мақсадига эришиш учун ҳаёт зиналаридан аста-секин кўтарилди. Орзу қилганидек, Бухоро давлат университети қошидаги 3-академик лицейига кирди. Бу ерда у кимёдан олган билимларини янада мустаҳкамлади. Лаборатория хоналарида амалий машғулотларни бажаришни ўрганди.

— Лицейимизда ҳафтанинг ҳар жумаси олимпиада куни деб эълон қилинган. Яъни унда турли танлов, олимпиада ғолиблари йиғилиб, ўқувчилар билан машғулотлар ўтказишади, — дейди лицейнинг кимё фани ўқитувчиси Ғуллом Раҳматов. — Суннатулло ҳам унда қатнашиб,



дўстларига турли семинар-тренинглар ўтиб беради. Ҳозир у лицейимизда «Ёш кимёгар» мусобақасини ташкил этмоқда. Унинг билимини бошқалар билан баҳам кўриши таҳсинга лойиқ.

Суннатулло билимини ҳеч кимдан қизганмайди. Бўш вақтида ўзи ёш, ҳали ўқувчи бўлишига қарамай, лицейидаги кимё тўғараги ўқувчиларига дарс беради. Шунингдек, у оғир атлетика билан шуғулланади, бадий китоблар ўқийди. Унинг бу интилиши эса давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантирилади. Суннатулло 2012 йил академик лицей ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган «Лицейим — фахрим» республика танловида кимё фани бўйича биринчи ўринни эгаллади. Жорий йил кимё фанидан олимпиаданинг вилоят босқичида ғолиб

бўлиб, республика босқичида йўлланма олди.

— Инсон ҳаётида шундай дамлар бўлар экан, барча қувончу ҳаяжонли кунлар бирданига кўз олдинда гавдаланади, — дейди қаҳрамонимиз. — 48-халқаро Менделеев олимпиадасининг ёпилиш маросимида юртимиз байроғини елкамга ташлаганимда шуқуҳли кунлар, хурсандчилик онларим яна эсимга тушди-ю юрагим тўлиб кетди, шу юрт фарзанди сифатида Ватанимга такрор ва такрор раҳмат айтдим.

Суннатулло орзу, мақсадлар огушидаги бола. У шунчаки орзу қилмайди, унга эришиш учун астойдил ҳаракат қилади. Яратилган имкониятлардан унумли фойдаланади.


— Болам фармацевт бўлмоқчи, — дейди онаси Марзия Маҳмудова. — Ҳали дунёда шифоси топилмаган касалликларга даво топаман, дея кўп айтади. Суннатуллонинг бу ниятини эшитиб қувонаман. Ишонаманки, у бунга эришади. Фурсатдан фойдаланиб, ўғлимни шу даражага етказган, ютуқларининг сабабчиси — устозларига раҳмат айтаман.

Хурсандчилигу ҳаяжонли олимпиада таассуротлари, Суннатуллонинг қўлга киритаётган ютуқлари, изланишларини эшитиб, биз янада тўлқинландик. Ва севинаётимиз, ўйладикки, биз, ёшлар бундан ҳам юқори натижаларга муносибимиз. Чунки томиримизда буюк аждодлар қони оқмоқда.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,**  
«Turkiston» мухбири

## ИҚТИДОРЛИ ЁШ МУҲАНДИСЛАР САРАЛАНДИ

*«Ўзметкомбинат» ОАЖда «Энг иқтидорли ёш муҳандис» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти томонидан ташкил этилган танловда корхонада меҳнат қилаётган олти нафар ёш ходим ўзининг техник ишланма, ихтиро ва рационализаторлик таклифлари билан иштирок этди.*



Талабга кўра, танловга тақдим этиладиган ишлар замонавий фантехника ютуқлари билан боғлиқ бўлиб, мамлакат ва корхона тараққиётига хизмат қилиши керак. Ёш металлурглрнинг новаторлик қобилияти комбинат мутахассисларидан иборат малакали ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Ҳакамлар хулосасига кўра, муҳан-

дислик маркази бўлим бошлиғи Ботир Рустамов биринчи ўринга сазовор бўлди. У ўз маърузасида Тебинбулоқ темир қонидаги титаномагнетит рудалардан келгусида чўян ишлаб чиқариш истикболларини илмий асослаб берган. Муҳандислик марказининг яна бир ходими Жамшид Суяркулов иккинчи ўрин, бош энергетика бўлими муҳандиси Акмал

Садиев учинчи ўринни қўлга киритишди. Бошқа иштирокчилар ҳам бир қатор номинациялар бўйича ғолиб бўлди.

Ғолиб ва совриндорлар комбинат раҳбарияти томонидан диплом, фахрий ёрлиқ ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланди.

**Бекзод ҚОДИРОВ**

Yurtning jasur o'g'lonlari

# ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАРДИ МАЙДОНИ

**Жиззах вилоятида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг барча ҳудудларидан сараланган ўн тўртта энг яхши жамоа қатнашди.**



ЎЗА фотомухбири Шерзод НАЗАРОВ олган сурат

Коллеж ўқувчиси ҳали аскар бўлмади туриб автоматни салкам профессионалдек сочиб-йиғса, югуриш ёки турникка тортилиш бўйича нормативни олий ҳарбий билим юрти талабасидан қолишмай бажарса, асло ажабланманг. Ахир, юртимизда ҳарбий бўламан, деб тайёргарликни мактаб партасиданоқ бошлаган лочин йигитлар оз дейсизми? Кўплари ўз маҳоратини «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасида намойиш этиб келмоқда. Мазкур лойиҳа ҳар йили Мудофаа вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа қатор вазирлик ҳамда ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилади. Ўтган вақт ичида у мамлакатимиз ёшларининг ҳарбий ва жисмоний тайёргарлиги, ижтимоий-сиёсий билимларини тоблайдиган ўзига хос мардлар майдони айлангани ҳам рости.

Жорий йилда мусобақанинг саралаш босқичларида 55 минг нафардан ортиқ ўқувчи иштирок этди. Шундан 140 нафари финал беллашувларида иштирок этиш учун Жиззах вилоятидаги жанговар тайёргарлик полигонига етиб келишди. Тўрт кун мобайнида «шунқорлар» тоғнинг мусаффо ҳавосидан симириб, ҳақиқий ҳарбий шароитда яшашди. Аскарлар тураржойларида ётишди, полигон ошхонасида овқатланишди, ҳарбий кун тартибига риоя қилишди, ҳатто жанговар техника билан танишиш имконига ҳам эга бўлдилар. Э, танишиш нима бўлибди, мусобақа жараёнида бу йигитларга пневматик қуролдан ўқ отиш, граната улоқтириш, топографик харита билан ишлаш каби ўз ёшига

нисбатан анча мураккаб амалиётларни мустақил ва бехато бажаришга тўғри келганини айтмайсизми?!

Жамоалар ўн учта шарт асосида беллашди. Сафда юриш ва саф қўшиғини айтиш, ҳарбий варақалар, альбом, вемпеллар кўриги, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий мавзулардаги савол-жавоблар, автоматни қисмларга ажратиш ва йиғиш, бир километрга югуриш, турникка тортилиш, тўсиқлар йўлагидан ўтиш, Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остана-дастурига илк мартаба киритилган инглиз тилидан тест саволлари шулар жумласидан. Гарчи республикамиздаги барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида чақириққача ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш дарслари ўтилса-да, «Шунқорлар» мусобақасида қатнашиш ўқувчидан ўн карра пухта билим ва маҳоратни талаб этади. Зеро, айтишлик, жисмоний нормативларни бажаришда баҳс дақиқа эмас, сонияларга борганда, ҳатто энг арзимас ва эҳтимол, бошқа ҳолатда коллеж боласига кечирилиши мумкин бўлган камчилик жамоани ғалабадан маҳрум этадиган бир пайтда, ҳар бир иштирокчи ўзининг зим-

масида қанчалик катта масъулият борлигини яхши тушунади. Худди жанговар топшириққа отланган аскар сингари уларнинг ҳам хато қилишга ҳаққи йўқ. Яна бир таъкид, «Шунқорлар» мусобақасида ҳар бир шарт ҳарбий офицерлар томонидан баҳоланади. Бундай шароитда ўқувчи ўзини ўқувчи эмас, аскардек ҳис қилиши керак деган гап.

Мусобақа ғолиблари ана шундай қизгин, шиддатли ва муросасиз кураш асосида аниқланди. Бу сафар биринчи ўрин мезбон вилоятнинг «Ёш чегарачилар»ига насиб этди. Бахмал маиший хизмат коллежи ўқувчиларидан таркиб топган ушбу жамоа бошқаларга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Иккинчи ўрин — Ургут агротадбиркорлик коллежининг «Амир Темур ўғлонлари» жамоасида (Самарқанд вилояти). Андижондаги Хўжаобод педагогика ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг «Ватанпарвар» жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиб жамоаларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар топширилди. Тантанали тақдирлаш маросимидан сўнг эстрада хонандалари иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

**Наргиза УМАРОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

«Kamolot» sadosi

## ЭНГ НАМУНАЛИ БТлар АНИҚЛАНМОҚДА

**Мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари, қолаверса, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаяпти.**

Бошланғич ташкилотлар ёшлар орасига кириб бориш билан бирга, уларнинг фаолияти, орзу-интилишлари ҳақида танишиб, қўллаб-қувватламоқда. Муҳими, ёшларнинг «Камолот» билан ҳамжиҳат бўлишларида кўприк вазифасини ўтамоқда. Шу боис жорий йил «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимларида «Бошланғич ташкилотлар йили» деб эълон қилнди. Бундан мақсад бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада яхшилаш, самарадорлигини ошириш, қўллаб-қувватлаш ва кенг имкониятлар эшигини очишдан иборат. Бу борада Сурхон

вилоятларида қаратилаётган эътибор ва саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда.

— «Камолот» ЁИХ Сурхондарё вилоят кенгаши ишининг янада яхшиланишида бошланғич ташкилотлар етакчиларининг фаолияти муҳим ўрин тутди, — дейди Ҳаракат қошидаги «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасасининг Сурхондарё вилоят бўлими бош координатори Илҳом Товошаров. — Шу сабаб БТлар фаолиятини янада яхшилаш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, малакасини ошириш, ўзаро фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашиши борасида қатор ўқув

семинарлар ташкил этиляпти. Ана шундай семинарлар Ангор, Бойсун, Жарқўргон, Қумқўргон, Шўрчи туманларида бўлиб ўтди.

Туманларда ўқув-семинарлар билан бирга, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ҳам бўлиб ўтмоқда. Шундай тадбирлардан бири Бойсун туманида ташкил этилди. Уч кун давом этган тадбирда тумандаги умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларидаги бошланғич ташкилотлар етакчилари, «Камолот» ва «Камалак» сардорлари иштирок этди. Улар ташкил этилган ўқув-семинарлар орқали бошланғич ташкилотларда иш юритиш ҳақидаги билимларини мустаҳкамлашди. Шунингдек, семинарда «Камолот» ЁИХ устави ва дастури, бошланғич ташкилот низо-

ми ва ташкилий тузилмаси билан танишиб, етакчиларнинг фаолияти юзасидан лойиҳалар тақдимотини ўтказишди. Семинарда етакчиларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, маънавий билимларини мустаҳкамлаш, етакчилик қобилиятини ошириш ҳамда ёшлар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

— Мазкур ўқув-семинар орқали етакчилар ишларини оммалаштиришга, янги тайинланган етакчиларнинг кўникмалари ва тажрибаларини оширишга эришдик, деб ўйлайман. Уларга малакали мутахассислар етарлича тушунча беришди. Семинар давомида энг намунали бошланғич ташкилот ғолибларини ҳам аниқлаб олдик, — дейди Ҳаракатнинг Бойсун тумани кенгаши раиси Алишер Норматов.

Энди «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ғолиблари вилоят босқичида иштирок этади.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

## Hududlardan mujdalar

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

**Жиззахда «Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор» шиори остида китоб байрами бўлиб ўтди.**

Тадбир доирасида нашриётларнинг янги китоб маҳсулотлари, шоир ва ёзувчилар, муҳаррирлар билан ижодий учрашув ва суҳбатлар ташкил этилди. «Камолот» сардорлари ташаббуси билан «Китобдан яхши дўст бўлмас» номли ўйин ва викториналар ўтказилди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

**Наманган туман педагогика коллежиди «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.**

Дастлаб тумандаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилот етакчилари ва йўналиш сардорлари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Семинарда саккиз нафар етакчи ҳамда олтмиш тўрт нафар йўналиш сардорлари иштирок этди. «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловида ғолибликни қўлга киритган етакчилар эса танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

**Узун маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежиди каратэ бўйича туман очик чемпионати бўлиб ўтди.**

Туманлараро ташкил этилган ушбу мусобақада Денов, Олтинсой, Сарийосиё ва Узун туманларидаги каратэ тўғарақларида шуғулланаётган ёшлар иштирок этди. Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида узунлик спортчилар биринчи ўринни, деновлик ёшлар иккинчи ўринни, Сарийосиё тумани вакиллари эса учинчи ўринни эгаллади. Ғолиблар «Камолот» ЁИХ Узун тумани кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

**Урганч туманида «Сен билан бирга — камолот сари» акцияси ўтказилди.**

Ҳаракатнинг Урганч тумани кенгаши ҳамда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари Дилрабо Маткаримова, Гулёр Отажоновна, беш карра Ўзбекистон чемпиони, кураш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, дзюдо ва самбо бўйича спорт устаси Робия Курбонова, хонанда Аминзода Жуманиязов қатнашди. Учрашувда ўқувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.



■ Istiqol farzandlari ■

## ЁШ ОЛИМЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ТАДҚИҚОТЛАРИ

**Ўзбекистон Фанлар академиясида «Энг фаол ёш олим» танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда пойтахтимизда жойлашган илмий-тадқиқот институтлари ва марказларидан ўн нафар ёш олим қатнашди.**

«Энг фаол ёш олим» танлови «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар Дастури»га кирган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» лойиҳаси доирасида эълон қилинган эди. Дастурда, шунингдек, «Ёш мутахассислар» республика форумини ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Айтилган фаол мутахассислар бошқа соҳалар бўйича ҳам аниқланмоқда.

Ёш олимлар учун ташкил этилган танловда бу йил республикамиз бўйича жами юз нафардан ортиқ тадқиқотчи иштирок этди. Улар Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасаларда фаолият кўрсатаётган ёшлардир.

Танловнинг Тошкент шаҳар босқичида «Физика-кўёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, биоорганик кимё, микробиология, ядровий физика, ион-плазма ва лазер технологиялари, полимерлар кимёси ва физикаси, ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди, ўсимлик моддалари кимёси, энергетика ва автоматика, тарих институтларининг ёш илмий ходимлари ўз салоҳиятини намоён этдилар. Иштирокчилар нуфузли мутахассис-олимлардан иборат ҳакамлар ҳайъати олдида илмий тадқиқоти юзасидан слайд кўринишида тақдимот қилишди. Тадқиқотчининг илмий фаолиятини баҳолашда қилган ихтиролари, илмий-техник ишланмалар учун олган патент ва муаллифлик гувоҳномалари, нашр этилган илмий мақола ва тезислари, яратган дарслик, монография ва ўқув қўлланмалари, давлат илмий-техник дастурлари, грант лойиҳалари, инновацион ярмаркалар, республика ва халқаро конференциялар, шунингдек, жамоат ишларидаги иштироки инобатга олинди.

— Мазкур танлов ёш олимлар ўртасида рақобат муҳитини кучайтиришга хизмат қилади, деб ўйлайман, — дейди «Физика-кўёш» ИИЧБ физика-техника институти катта илмий ходим-изланувчиси Ойбек Абдулхаев. — Институтда етти нафар ҳамкасбим орасидан қолиб бўлдим. Айтилган «Юза сатҳи юқори даражада бўлган эпителиал қатламлар олиш технологияси» мавзусида изланяпман. Мазкур технологияни амалиётга жорий этиш радиоэлектроника элементларининг

функционал хоссаларини яхшилашга ёрдам беради. Ҳозирги кунгача турли ишланмалар учун бешта патент олганман. Янги технология навбатдагиси бўлиши кутилмоқда.

Микробиология институти катта илмий ходим-изланувчиси Хуршида Норбоева тадқиқот иши натижасида гўзанинг шўрхокка чидамли ризобактериялари асосида янги биопрепарат ишлаб чиқишга эришди. Мазкур препарат комплекс таъсирга эга бўлиб, тупроқ таркибидаги токсик тузларни йигирма фоизгача ушлаб қола олади ва ҳосилдорликни сезиларли оширади. Унинг экспериментал намунаси Сирдарё вилоятидаги шўрхок ерларда синаб кўрилди. Натижада, ҳар гектаридан 4,7 центнердан кўпроқ ҳосил олинган.

— Янги препаратни синовдан ўтказиш ишларини Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг тажриба майдонида ҳам олиб бораёмиз. Ихтирога патент олиш учун ҳужжатлар тайёрланган. Илмий ишим танлов экспертларида қизиқиш уйғотганидан хурсандман. Саволлар кўп бўлди. Юртимизда ёш олимларнинг истиқболли тадқиқотлари эътиборсиз қолдирилмай, бугунги каби танловлар орқали юзага чиқарилаётганидан ниҳоятда мамнунман.

Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, биоорганик кимё институти катта илмий ходим-изланувчиси Санжар Шеримбетов «Энг фаол ёш олим» танловининг шаҳар босқичи қолиби деб топилди ва беллашувнинг республика босқичига йўлланма олди. Кўп йиллардан буён ёш олим Жануби-Ғарбий Оролқум ҳудудининг флораси ва ўсимликлар қопламани ўрганиб келмоқда. У ўз тадқиқоти давомида Орол денгизининг сувдан бўшаган улкан сатҳида икки юз турдаги ўсимликлар ўсишини аниқлади.

Юқоридаги суҳбатдошларимиз Ойбек Абдулхаев ҳамда Хуршида Норбоева танловда иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлишди. Барча қолиблар ва иштирокчиларга сертификат ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

**Наргиза УМАРОВА,**  
**«Turkiston» муҳбири.**  
Александра Спиридонова олган сурат.

### ■ Nuqtayi nazar ■

*Демократик ва ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий мақсади мамлакатда яшовчи ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминлашдир. Бунда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти шундаки, улар давлат ҳокимияти халқ иродасини қай даражада ифода этаётгани, унинг манфаатларини қанчалар кўзлаб ишлаётгани устидан жамоатчилик назоратини ўрнатадилар, давлат ҳокимияти фаолияти Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларга қанчалар мослигига кўз-қулоқ бўлиб турадилар.*

## БОШ ТАМОЙИЛ — ХОЛИСЛИК

Табиийки, бундай жамоатчилик назорати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини самарали ташкил этиш, улар фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқ-эркинликларига, уларнинг ҳимоясига нисбатан ҳурматни таъминлайди, шунингдек, фуқароларнинг фаоллиги, воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг ошишига ҳамда ҳар бир мансабдор шахснинг ўз фаолияти жамоатчилик назоратида эканини чуқур ҳис этган ҳолда меҳнат қилишига хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари фаолияти орқали давлатга нисбатан ўзига хос таъсир кучи яратилади. Бу таъсир жамоатчилик фикрини вужудга келтириши, ҳокимият ва бошқарув органларини тегишли қарор қабул қилишга, бузилган ҳуқуқни тиклаш ёки ҳуқуқни ҳимоя қилиш жараёнини амалга оширишга, кишиларда ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланишига асос бўлиши мумкин.

Албатта, оммавий ахборот воситалари бевоқиф ҳуқуқ ижодкорлиги билан шуғулланмайди, лекин мазкур институтнинг иштирокисиз давлат органларининг муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятини тасаввур қилиш қийин. Бинобарин, улар сиёсий партиялар, жамоат ва нодавлат ташкилотлар билан биргаликда, давлат билан халқ ўртасидаги муносабатлар тизимида воситачи сифатида ижтимоий мувозанатни юзага келтириш вазифасини ўтайди. Бундай воситачилик, шубҳасиз, ҳар икки томон учун ҳам фойдалидир. Оммавий ахборот воситалари воситачилигида ҳокимият жамият билан алоқага киришади, яъни ўз нуқтаи назарини халққа етказиб, жамиятдаги вазият ва ҳокимият органларининг қарорларига нисбатан жамоатчиликнинг муносабати тўғрисида объектив ахборот олади,

аҳоли эса, ўз навбатида, у ёки бу ҳолат юзасидан ҳокимият институтларининг сиёсати тўғрисида маълумотга эга бўлади ва оммавий ахборот воситалари орқали муайян даражада унинг моҳиятига таъсир ўтказади.

ОАВ томонидан амалга оширилаётган жамоатчилик назорати тизимининг самарали механизми билан мунозалардан бири, бу шубҳасиз, бирор-бир воқеа ё ҳодисани қандай бўлса шундайлигича газетхонга етказиш ва бу билан ўқувчининг ҳулоса чиқариши учун имкон беришидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, хорижий оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос эътиборли томони шундаки, улар кўпроқ янгиликларни ёритишга, мунозаларга эса камроқ киришишга интилишади. Журналистларнинг тили билан айтганда, янгилик бу — фактлар мажмуи, мунозара эса ана шу янгилик тўғрисида фикр юритиш, мулоҳазаларни баён этиш услуби ҳисобланади. Яна бир учинчи элемент шарҳ (ёки таҳлил) бўлиб, у янгиликларнинг муҳимлигини ажратиш кўрсатишдир.

Бу уч элементнинг ҳар бирини газетанинг алоҳида бўлими ёки саҳифасида жойлаштириш амалиёти дастлаб Америка матбуотида жорий этилган эди. Гарчанд вақт ўтиши билан бундай ёндашувни маънавий сабаблар билан изоҳлаган бўлишса-да, янгиликларни фикрлардан ажратишнинг илк ҳаракатлантирувчи сабаби, асосан, тижорат бўлган. Чунки газетанинг ўз шахсий позициясини янгиликлардан ажратиши турли қарашларга эга ўқувчиларни кўпроқ жалб этиш имконини берарди. Одамлар, газетанинг юз бераётган ҳодисалар тўғрисидаги фикрига қўшилиш-қўшилмасликларидан қатъий назар, репортажлар учун сотиб ола бошладилар. Жиддий газеталарнинг ўқувчилари вақт ўтиши билан бундай ажратишни қадрлай

бошладилар, чунки бу газетанинг ўқувчисига ҳурматини кўрсатади. Шу сабабли ҳам бугунги кунга келиб янгиликни фикрдан аниқ ажрата билиш одатга айланди. ОАВ воқеа ва ҳодисаларни қандай бўлса шундайлигича баён этмоқда. Агар ўша воқеа ё ҳодисани шарҳлаш лозим бўлса, яъни у ҳақда журналист ўз фикрини баён қилишни лозим топса, газетанинг асосий янгиликлар бўлими охирида бунинг учун алоҳида жой ажратиш кўйилган — бу ерда таҳририят, алоҳида муаллифлар ёки шарҳловчиларнинг фикрлари чоп этилади.

Афсуски, бугун миллий журналистикада ушбу мезонларга ҳамisha ҳам амал қилинаёпти, деб бўлмайди. Бизда янгилик ва фикрни қўшиб юбориш ҳолатлари кузатилади. Чоп этилаётган, эълон қилинаётган материалларда воқеа ёки ҳодиса ҳақида камгина факт баён этилгани ҳолда журналистнинг бу хусусдаги шахсий фикр-мулоҳазаларига, баъзида панду насиҳатларига кенг ўрин берилмоқда. Шу боис журналистларимиз янгиликларни жамоатчилик эътиборига ҳавола этишаётганда унга тўғри ва холисона ёндашишлари, юз бераётган ҳодисанинг бир қисмига айланмасликлари учун ахборот манбаларини кўрсатиш ва уларнинг фикрларидан иқтибос келтиришлари, агар воқеага фикр-мулоҳаза билдириш истаги туғилса, уни алоҳида саҳифа ёки рукнда баён этишлари мақсадга мувофиқдир. Миллий ОАВда холис журналистиканинг ушбу тамойилларига қатъий риоя этилиши улар томонидан амалга оширилаётган жамоатчилик назорати тизимининг самарали кечишига олиб келади.

**Захириддин ТўРАЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси**

Mulohaza

# КҮНГИЛ ПОК БЎЛСА, ЖИСМ САЛОМАТ!

**«Мен касалман. Шунчалар оғир касалманки, бутун вужудим оғриқдан зирқираяпти. На уйқумда ҳаловат бор, на ишимда барака, гўёки улкан тоғ устимдан босиб тургандек. Неча бор шифокор ҳузурига бордим, аммо шифо топмадим. Дедиларки: «Қалбингизда яра бор, тагин бошингиз, ошқозонингиз ҳам санчиб оғрир экан. Уни бирор дори-дармон билан даволаш имконсиз. Битта чора — соғлом яшашга интилинг! Ҳалол луқма энг, тўғри сўзланг! Дангаса бўлманг! Фикру хаёлингиз тоза бўлсин...»**

Мазкур жумлалар хитойлик ёзувчи Ки Бао кундалигидан кўчирма. Тўғрироғи, соғлом яшашни истаган ҳар бир одам учун бир эслатма, йўл-йўриқ. Бинобарин, отабоболаримиз ҳам бахтни тани соғлиқда деб билганлар, тани соғлиқ эса нафақат жисмоний соғломлик, балки қалбан, руҳан тетиклик, поклик билан ҳам белгиланади, деганлар.

Қадрли ўқувчи, сезаяпмизки, шу мулоҳазадан кейин, албатта, ўзингизга саволлар берасиз: хўш, мен соғлом турмуш тарзига амал қилаяпманми? Ҳеч қаерим оғримайдими? Қалбим, фикрим, тану жоним соғми?..

Ишонинг, бу жуда яхши саволлар. Чунки баъзан сизу бизга шундай ички саволлар тўғри жавобни топишда ёрдам беради, кўнгилдаги хираликни кеткизади...

Келинг, шу ерда масалага шунчаки муносабат билдирмайлик-да, тиниқ фикрларга эргашиб, соғлом турмуш тарзи формуласини яратайлик. Уйлаймизки, шунда мулоҳазаларимиз ҳаётий мисолларда ўз исботини топади.

## ОЗОДАЛИК — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ҳамиша озода ва саришта бўлиб юриш — фазилат, саломатлик гаровидир. Тоza, покиза одамнинг руҳи уйғоқ, вужуди тетик, ҳаёти нурафшон бўлади. Чунки сизу бизга тозалик фариштаси шу бахт, қувончни тортиқ этади. Аллома Гётенинг таъбири билан айтганда, бу фаришта ўзини, яъни тозаликни севганини севади, севмаганга шафқат қилмайди, яъни уларни турли касалликка йўлиқтиради.

Кичкиналимизда бувим «Озода юр! Уст-бошинг, сўзинг, еган овқатинг тоза бўлмаса, микробларга емак бўласан», дея қўрқитмасди-ю, шундай тушунтирарди. Яна у киши дерди: «Эрталаб уйқудан туриб, ювиниб, озода бўлиб юрсанг, фаришталар бошингга қўнади. У хоҳлаганингни муҳайё қилади.

Ўшанда бу гапларга чин дилдан ишондим ва ўзим билибми ёки бувимнинг айтганларигами, ишқилиб, озода, покиза киз бўлишга ҳаракат қилардим. Баъзан эртақ, ҳикоя, ривоятлар айтиб бериб, ота-онамиз, бобобувимиз бизни озодаликка ўргатишган, эсингизда-ми?

Қаранг, мана ҳозир ҳам болаликда эшитган тозалик ҳақидаги эртақ эсимга тушаяпти-ю, уни сизга айтгим келаяпти.

Бир тўда маймунлар тоғда яшар экан. У томонларга ҳеч ким келмас, осмонда учиб, қаноти толган қуш ҳам тоққа қўнса, дарров учиб кетар экан. Бора-бора маймунлар касал бўлиб, ўла бошлабди. Бундан хавотирга тушган маймунлар сардори жониворлар шоҳи — шернинг олдига борибди. Шер дебди:

— Сенлар гўзал тоғни вайрон қилдинглар! У ерда тозалик тартиби бузилган. Шу боис сенларга касаллик ёпишган. Агар тозаликка риоя қилмас экансанлар, бу дарддан умрбод қутула олмайсанлар!

Тан олсак бўлади, биз эртақ, ривоятларни тўқима, ҳаётий воқеалардан жуда олисда, деб ўйлаймиз-у, шунчаки ўқиб кетамиз. Ундаги қаҳрамонлар сизу биз эканлигимизни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Иллаган бўлсангиз, бу эртақ тозаликнинг соғлиқ учун нақадар фойдали эканлиги ҳақида маълумот бермоқда. Энди бундан қандай хулоса чиқарасиз, ўзингизга ҳавола.

## ЭЗГУ СЎЗ, ЭЗГУ ФИКР

Руҳан комил, вужуди саломат инсонни энг буюк саодат ҳам гангитиб қўймайди, энг катта бахтсизлик ҳам уни саросимага солмайди. Ҳар икки вазиятда у ўзини идора қила олади.

Бир киши донишманддан уйига ўғирликка тушган яқин дўсти ҳақида сўрабди:

— Нима қилсам унинг кўнглига озор бермасдан, бу қинғир йўлдан уни қай-

тара оламан?

— Ўғирлик — касалликдир, — дебди донишманд. — Дўстингиз гоёта оғир хаста экан. Аввало, сиз унинг қалбини даволашингиз керак. Дори эса фақат эзгу сўз ва эзгу фикрдир.

Ҳа, инсон қачонки қушдек энгил, руҳи пок бўлади, у тўғри сўзлаб, яхшиликка интилса, уйи тоза бўлиб, соғлом фикрласа. Шундай экан, ҳар биримиз нозик қалбимизни гўзал туйғулар билан тўлдирайлиг-у, ҳечам дилларимизга озор бермайлик!

## ЧИНИКҚАНДА ГАРД ЮКМАС, ТИНИКҚАНДА ДАРД

Искандар деган бола-ни танийман. Унинг оёғи оғрирди, тез-тез касал бўлиб, вақти шифохонага қатнаш билан ўтарди. Кейинчалик шу бола ўзида жасорат, ишонч топа олди. Спорт билан дўстлашди. Спорт унинг соғлигини тиклади, Искандарни бутунлай бошқа — қувноқ, интилувчан одамга айлантди. Ҳозир эса у қаратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони, кўплаб мусобақалар ғолиби.

Спорт бизни ҳам жисман, ҳам руҳан бақувват қилади, тарбиялайди. У билан ошно одам ҳамиша соғлом, қувноқ, тетик юради. Ҳаётини маъномазмун билан тўлдиради. Энг асосийси, спорт билан ошно одамлар ўзгалар қалбида ҳавас, орзу, ният, мақсад каби гўзал туйғуларни уйғота олади.

Бугун мамлакатимизда ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча қулайликлар яратилган. Ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам спорт тўғраклари фаолият кўрсатмоқда. Тенгдошларимиз жаҳон майдонларида ўзларининг нималарга қодирлигини кўрсатаяпти. Шу билан бирга шундай имкониятлар ва ёшларнинг спортда эришаётган натижалари юртимизда спортни оммалаштирмоқда, у тобора кундалик машғулотиимизга айланаяпти.

Шундай экан, спорт

билан қадрдон бўлайлик. Соғлом турмушда яшайлик!

## СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Ҳар бир давлатнинг соғлом турмуш тарзини кафолатловчи, халқнинг ростмана қадрлигига айланган омиллари бор. Улар яшаш шароити, табиати, феъл-атворидан келиб чиқиб, ўз соғлом турмуш тарзини таъминлайдилар. Масалан, Хитой шолиторларида тўқсон ёшлилар ҳам бемалол меҳнат қила олади. Чунки улар баланд овозда куйлайди, ҳечам тушқунликка тушмайди. Шифокорларнинг айтишича, яхши кайфият соғлиққа фойдали экан. Финляндияликлар тоза ҳавода сайр қилишни ёқтиришади. Исландияликлар балиқ мойини кўп ейди, французлар таомдан лаззатланишни хуш кўришади. Кореяликлар нуқул жилмаяди. Улар, «кулги умрни узайтиради», дейишади.

Шу каби соғлиқни сақлашнинг турли усуллари бор. Бунга амал қилиш, сиз ўйлаганчалик қийин эмас, кўп вақт ҳам талаб қилмайди. Масалан, бирор нарса қилаётиб, қўшиқ айтинг, овқатланаётганда таомингиздан лаззатланинг, доим жилмайиб, атрофингизни кулги билан қароғон қилинг, тоза ҳавода мириқиб айланинг. Шунда касаллик сизни ҳечам безовта қилмайди, оромингизни ўғирламайди.

## ХУЛОСА

Кўшнимиз Турдигул ая бир юз ўн икки ёшда. У бир асрлик ҳаётни кўриб қўйган бўлса ҳам, ҳали тетик. Ҳамон келинларига уй ишлари — нон ёпиш, сигир соғишни ўргатади. Уйга борсам, аяни далада кўраман: ё томорқани суғораётган, ё салқин ҳавода дам олаётган бўлади. Онамнинг айтишича, у киши ҳеч қачон қаттиқ бетоб бўлмаган экан. Унинг меҳнатдан чиниққан танаси, қувноқ кайфиятидан касалликлар ҳайқар экан.

Соғлом турмуш тарзи ҳақида ўйлаётиб, негадир, шу ая кўз олдимга келди. Шуниси яхши бўлди. Мен бу мавзуда яхлит хулосага келдим: соғлиқ инсон руҳияти измида экан. Агар руҳият кучли бўлса, тана соғлом бўлади.

Азиз тенгдош! Соғлом яшашга интилинг! Ҳалол луқма еб, тўғри сўзланг! Камҳаракат, эринчоқ бўлманг! Фикру хаёлингиз тоза бўлсин!..

Қумар БЕГНИЯЗОВА,  
«Turkiston» муҳбири



Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

## БУХОРОДА КИТОБ БАЙРАМИ

**«Китоб ёки журнални интернет саҳифаларидан ўқиса ҳам бўлади. Аммо интернетда китобга хос ҳид йўқ, саҳифаларини арақлашдек ҳузур йўқ. Энг асосийси, уни ёстигинг тағига қўйиб бўлмайди». Бу севимли ёзувчиларимиздан бирининг фикри.**

Дарҳақиқат, жаҳон маданий тамаддунига дахлдор ҳеч бир халқ, ҳеч бир шахс йўқки, ўз маънавий камолотида китобдан миннатдор бўлмаган бўлса. Шу боисдан ҳам башарият тарихининг бир неча минг йиллик даври мобайнида инсон ҳамиша китобга мурожаат қилиб келган. Фан-техниканинг тезкор ривож ва мислсиз ютуқлари гарчи китобга муқобил сифатида майдонга чиққан бўлса-да, унинг ўрнини босолмайди.

Бугунги кунда аҳоли ва ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш ва шу орқали уларнинг дунёқарашини ошириш мақсадида кенг кўламли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Адабиётга, китобга эътибор ошмоқда. Зеро, мамлакат ёшларини маънан баркамол қилиб тарбиялашда, юртнинг маданий тараққиётини юксалтиришда ҳеч бир куч китобдек таянч бўла олмайди. Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор»дир. Мазкур шиор остида ташкил этилаётган китоб байрамлари ёшларимизнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларда мутолаа маданиятини шакллантириш, бадиий адабиётга нисбатан қизиқишини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Бухоро вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ташаббуси билан Абу Али ибн Сино номидаги вилоят ахборот қутубхона маркази боғида китоб байрами ўтказилди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари ахборот ресурс марказлари кўргазмалари, китоб дўконлари ҳамда «Шарқ зиёкори» масъулияти чекланган жамияти томонидан китоб ярмаркалари ташкил этилган мазкур байрам минглаб ёшларни ўзига чорлади.

Китоб байрами доирасида қатор тадбирлар ташкил этилди. «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши муассислигидаги «Turkiston» ва «Молодёжь Узбекистана», Ҳаракатнинг вилоят кенгаши муассислигидаги «Бухоро ёшлари» газеталари кунлари», «Президент асарларини ўрганамиз», «Китоб — офтоб» каби тадбирлар шулар жумласидандир. Интерфол асосда ўтган «Китоб байрами»да ёшлар ўз фикрларини баён қилдилар.

Маънавият тантанаси бўлган китоб байрамларида болалар, йигит-қизлар маънавиятини бойитишда бадиий китобларнинг аҳамияти, мутолаага қизиқишни ошириш масалалари ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Лайло ҲАЙИТОВА,  
«Turkiston» муҳбири

# СЕҲРЛИ ҚАЛПОҚЧА ИЗИДАН СИРЛИ САЁХАТ

**Болалар кинеси — бола тилидан, ички дунёсидан сўзловчи воқеа тасвири. Шу хусусияти билан, у болани энди кўришни бошлаган оламида эзгуликлар галаба қозонишига ишонтириб, беғубор кўнглига чанг индирмасдан, уни тушкунликка туширмасдан, бунинг учун ҳаётдаги турли вазиятларда виждон ва ақл амрига бўйсунуши кераклигини реал исботлар орқали кўрсатади, уни улкан мақсадлар сари интилишига етаклайди.**

Болаларни маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялаш бугунги кунда мамлакатимиз ўз олдига қўйган энг устувор вазибалардан бирига айланди. Буни бугунги кун болалар кинеси соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган ҳаракатларда ҳам кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 19 февралдаги «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига асосан «Ўзбекино»

Миллий агентлиги буюртмаси билан «Ўзбек-филм» киностудиясида «Сариқ девни миниб» («Сеҳрли қалпоқча-2») тўлиқ метражли бадий филми суратга олиниб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев асари асосида яратилган ушбу бадий филм «Сеҳрли қалпоқча» филмининг мантиқий давоми бўлиб, киноижодкорлар томонидан 1 июн — халқаро болаларни

ҳимоя қилиш куни муносабати билан тўхфа қилинди.

Филм янги — техника асри фарзандларида ижобий таассурот қолдира олди. Саргузашт жанрида суратга олинган ушбу картинада компьютер графикасидан мохирона фойдаланилган, турли анимация ва эффектларда сохталик ва бачканалик кузатилмайдди. Асардан фарқли ўларок, филмда Хошимжон энди китобга меҳр қўйган, маънавияти юксалган, ҳатто кутубхона очишдек хайрли ишга қўл урган бола сифатида тасвирланган. Саргузаштларга бой филм болаларни безътибор қолдирмагани аниқ.

Филмни мароқ билан томоша қилар экансиз, сценарий муаллифи яхшигина ижод қилгани, асарни деярли қайта яратганига гувоҳ бўласиз. Филм нафақат болаларнинг, балки катта-



ларнинг ҳам эътиборини торта олди. Актёрларнинг маҳорат билан рол ижро этганини таъкидлаб ўтмай бўлмайди. Ёш кинорежиссёр, шу билан биргаликда сценарий муаллифи Сарвар Каримов, бунда жамоавий аҳиллик аҳамиятли ўрин тутишини, актёрлар қаҳармонларга табиатан

яқин инсонлар орасидан танлаб олинганлигини таъкидлаб ўтди.

Умун олганда, ҳозирги кунда чет элда ишлаб чиқарилаётган «Гарри Поттер», «Уддабурон болалар» каби энг машхур болалар филмлари билан ҳам рақобатлаша оладиган филмлар яратила бошланди

десак, янглишмаган бўламиз. Келажақда болаларимиз, чет эл киноларини эмас, ўзимизнинг халқона, миллий кино филмларимизни кўриб катта бўлишади деган умиддамиз. Кино ижодкорларига бу ишда омад тилаб қоламиз.

**Парвина ОМОНОВА**

Mulohaza uchun mavzu

## ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ ОИЛАДА ШАКЛЛАНАДИ

**Табиат инсонга ўзининг бор нозу неъматини инъом этди. Бунга жавобан инсон унга бўлган муносабатларда мувозанатнинг бузилишига, минг йиллар давомида ўзгармасдан келган мустаҳкам тизимнинг издан чиқишига, оқибатда кўплаб муаммоларнинг вужудга келишига сабабчи бўлди. Аммо энди башариятнинг табиатга бўлган муносабати ўзгарди, ҳа, эҳтимол, баъзи жабҳаларда биров кечиккандир ҳам. Лекин она табиат, унинг бойликлари билан тўғри муносабатда бўлиш лозимлигини англаб етди.**

Ёшлар орасида экологик маданиятни шакллантириш учун, энг аввало, экологик онгни шакллантириш лозим. Экологик онгни вужудга келтириш оила муҳитидан бошланади.

Экологик онг остида экологик маданият вужудга келади. Экологик маданият инсониятнинг тарихий ривожланиш жараёнида табиатни муҳофаза қилишга қаратилган назарий-илмий ғояларнинг мажмуаси бўлмасдан, маълум жамиятда яшаётган шахсларнинг руҳий ҳолатлари, ҳиссиётлари, кайфиятлари ва интилишларини қамраб олиб, турли даражадаги ижтимоий онг шаклланишининг экология мақсад-манфаатлари доирасида муштараклигини ифодалайди.

Экология ва табиат муҳофазасига доир қонун ҳужжатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекис-

тон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларини ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, уларнинг ёшига мос тарзда моҳиятини ёритиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга ошириб келинди. Экологик концепциянинг ишлаб чиқиши, экологиядан давлат таълим стандартининг яратилиши, бир қанча дастурлар, тўпламлар ишлаб чиқилгани, методик қўлланмаларнинг тайёрлангани, экологияга доир қатор анжуман ва семинарларнинг ташкил этилгани ҳам ёшлар орасида экологик маданиятнинг шаклланишига кўмак беради.

Ёшлар онгида экологик маданиятни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга экан, савол пайдо бўлади: хўш,

ҳозирда уларнинг экологик маданияти қай даражада?

Эътибор бериладиган бўлса, йўловчилар юрадиган йўлаклар, майдон ва истироҳат боғлари ҳамда ўқув муассасалари ҳовлиларида чиқинди ташланадиган махсус қутчалар ўрнатилган бўлишига қарамай, сигарета қутилари, писта пўчоқлари, қоғоз, ичимлик идишлари ва бошқа хилдаги чиқиндилар ораста кўчаларимиз ҳуснини бузиб турганининг гувоҳи бўламиз. Бундай ҳолатга, асосан, ёшлар сабабчи бўлади.

Тиббиёт мутахассисларининг таъкидлашича, турар жойларда, кўчаларда тўпланиб қолаётган ахлат уюмлари касаллик тарқатувчи микробларнинг манбаси ҳисобланади. Хусусан, ифлосланган ариқларда вабо, узоқ муддат туриб қолган ошхона чиқиндиларида ўткир ичак касалликлари, уй супуриндисидан ичбуруғ ва куйдирги, очиқ ётган ахлат уюмларида сил микроблари етилади.

Табиатни севиш, уни ардоқлаш, авлодларга бекаму кўст етказиш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини ёшлар онгига синдириш лозим.

Маълумки, хонадонларимиз қанчалик ораста ва чиройли бўлиши ўзимизга боғлиқ. Сир эмас, сўнгги пайтларда хонадонларимизда гулларни ўсти-

риш, парваришлаш ҳамда уларнинг турларига эътибор аста-секин камайиб бормоқда. Катталар ўз фарзандларига гуллар, ҳайвонот дунёси, умун олганда, табиатга муҳаббат туйғуларини синдириб боришни доим назорат қилиши муҳимдир. Ота-она фарзандлари вақтини тўғри ташкил этиб, табиатга меҳр уйғотиши керак. Масалан, гултувакларда гуллар ўстириш, парваришлаш, кўча, хиёбон ва ҳовлилардаги дарахт ва манзарали ўсимликларга ишлов бериш, оқлаш, турли хил уй ҳайвонлари — сайроқи қушлар, паррандаларни боқиб, парваришлашни катталарнинг ўзлари бошлаб беришлари лозим. Бунинг натижасида кишилар эстетик завқ оладилар, табиатга меҳрлари ошади.

Яна бир оддий мисол. Кўча ва ҳовлиларда беҳуда оқиб турувчи бузук жўмрақларни кўп учратамиз. Айрим ёшларимиз сувдан фойдаланиб бўлгач, жўмрақларни очиқ ҳолда қолдираётганликлари кўнгилни хира қилади. Суви оқиб ётган жўмрақларни беркитиб қўйиш жуда қийин бўлмаса керак. Айрим хонадонларда ойлаб чучук сув оқиб ётиши, ундан томорқаларни суғоришда фойдаланилган, ариқларнинг эса чиқиндиларга тўлиб бораётганлиги ачинарли ҳолдир. Анҳор

бўйларидан ва кучли босим остида сув чиқадиган жойларда автомобил ювиш жойлари ташкил этиб, шу йўл билан даромад топаётган айрим ёшларга ҳайрон қоласан, киши. Ўзбекистонда ҳар бир киши бир суткада икки-уч литр чучук сув истеъмол қилади. Қишлоқ ҳўжалигининг айрим соҳаларидаги сув сарфини қиёсий ҳисоблаб кўрсак, бир тонна буғдой етиштириш учун бир ярим тонна, бир тонна шоли учун тўрт-беш минг тонна, бир тонна пахта етиштириш учун ўн минг тонна сув сарфланар экан.

Сувга туфлаш гуноҳ эканлиги, нон ушоқлари ҳам нон эканлиги, бир йилда ҳеч бўлмаганда бир дона кўчат ўтказмоқ савобли иш эканлигини бобо-бувиларимиз мунтазам уқтиришган. Лекин юқорида айтиб ўтилган салбий ҳолатларга сабаб бўлаётган ёшларимизда экологик билимларнинг етишмаслиги, табиат ва инсон муносабатларини чуқур англаб етмаганликлари ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, умун, табиатга нисбатан эътибор пасайиб бораётганидандир.

Ёшлар онгида экологик маданиятни тўлиқ шакллантириш учун боғча, мактаб ҳамда маҳалларда турли учрашув ва тадбирлар, амалий анжуман, кўрик-танловларни кўпроқ ўтказиш муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

**Сабоҳат ТОШПҲЛАТОВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Фанлар академиясига**  
**қарашли Геномика ва**  
**биоинформатика маркази**  
**тадқиқотчиси**

«Саҳнага Шерали Турдиевни таклиф этамиз. У «Баҳор валси»ни ижро этади». Ҳа, бу ўша мушторона, қалбларга кўклам кайфиятини улашувчи «Баҳор валси». Гулдурас қарсақ янграйди ва ёш музганний саҳнага чиқиб келади. Рубоб. Ажиб оҳанг. Завқ...



номланган йиллик ҳисобот концертида кўрсатиб беришди. Ўқувчиларнинг турли чолғуларда ижро этган кўшиқ ва тароналари мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

— Ушбу таълим йўналишида таҳсил олаётган ўқувчилар бир йил давомида махсус чолғу асбоблари билан бирга, хонандаликни ҳам ўрганишди, — дейди Тошкент педагогика коллежининг мусиқа таълими йўналиши кафедраси мудири Сунбула Маҳмудова. — Уларга ўндан ортиқ мусиқа ўқитувчиси сабоқ бериб келаяпти. Бу ерда фақат мусиқачилар эмас, мусиқашунослар тайёрлашга ҳам эътибор қаратилган.

Тошкент педагогика коллежида Шерали каби тенгдошларимиз ижросидаги «Мусиқа оламининг сеҳри» деб номланган йиллик ҳисобот концерт дастурида кўнгулга яқин куй-кўшиқлар барчага завқ бағишлади.

Мазкур коллежда 2013-2014 ўқув йилида мусиқа таълими йўналиши ташкил этилиб, унга йигирма беш нафар ўқувчи қабул қилинган эди. Улар ушбу таълим йўналишининг дастлабки қалдирғочлари сифатида бир йил давомида ўзлаштирган билим ва маҳоратларини айнан «Мусиқа оламининг сеҳри» деб

лашлари мумкин. Бугунги очик дарс сифатида ўтказилган концерт дастури эса ўқувчилар бир йил давомида нималарни ўзлаштирганликларини кўрсатиб берди.

Ўқувчилар саҳналаштираётган мусиқий-бадий эртак-томоша бўлажак мусиқа ходимларининг болалар билан ишлаш қобилиятини ҳам намоён этди.

— Коллежда биз, ўқувчи-ёшлар учун барча имкониятлар мавжуд. Шундай шароитларда таълим олиб, ўз макссадларимиз сари интиляпмиз. Бугунги ҳисобот концертимиз

эса бир йиллик ижод маҳсулимизни кўрсатиб берди. Биз нафақат мусиқага оид билимимизни бой-таяпмиз, шу билан бирга инглиз тилини ҳам пухта ўзлаштиряпмиз, — дейди мусиқа таълими йўналиши ўқувчиси Манзура Воҳиджоновна.

Манзуранинг сўзлари у таҳсил олаётган коллеж ўқувчиларининг дилидаги гап. Буни тадбирга йиғилган ёшларнинг нигоҳидан пайқадик.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири.  
Муаллиф олган суратлар.

### ■ Millatlararo do'stlik ■

Дўстлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳмондўстлик... Булар кўпроқ шарқона менталитетга хос тушунчалардир. Мана неча асрлардан буён тинчликсевар халқимиз нафақат кўшни қардош халқлар, балки олис манзиллардаги миллат ва элатлар билан ҳам дўстона муносабатларда бўлиб келмоқда.

## ДЎСТЛИК ВА БИРДАМЛИК НАМУНАСИ

Буни юртимизда ўтказиб келинаётган турли-туман, ранг-баранг байрам фестиваллардан ҳам билиб олиш мумкин. «Ўзбекистон — умумий уйимиз!», «Дунё халқлари миллий таомлари», «Шарқона баҳорий таомлар», «Орзулар горизонти»... Бу каби дўстлик фестиваллари рўйхатини истаганча давом эттириш мумкин.

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, «Ўзбекистон — Иордания» дўстлик жамияти ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида Соғлом бола йилига бағишлаб ташкил этилган «Шарқ тиллари» фестивали ҳам ана шундай ўзига хос байрамлар сирасига киради. Кўтаринки руҳ ва юқори кайфиятда ташкил этилган байрамда, шунингдек, турли хорижий ташкилотлар, чет давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари масъул ходимлари, университет талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Икки босқичда ташкил этилган мазкур фестивал аввалида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори Шухрат Қаюмов сўзга чиқди ҳамда байрам қатнашчилари ва ташриф буюрган меҳмонларни табриклаб, фестивални очиб берди.

Талабалар дастлаб ўзлари ўрганаётган шарқ халқлари (япон, форс, корей, турк, араб, малай, хитой, индонез ва хинд) тили, либослари, маданиятини намойиш этиб, меҳмонлар олқишига сазовор бўлишди. Халқларнинг миллий таомлари, айниқса, ташриф буюрганларга манзур бўлди.

Навбатдаги босқич лингво концерт тарзида ўтказилди. Ижро этилган шарқона куй-кўшиқ ва саҳна кўринишлари барчада катта таассурот қолдирди.

— Юртингизда ўтказилаётган анъанавий «Шарқ тиллари» фестивалида иккинчи бор қатнашимиз. Ҳар гал бу байрамга ташриф буюрганамизда олам-олам завқ оламан. Гуруҳларнинг чиқишларини эътибор билан кутадим. Улар миллий анъаналарни тўлиқ акс эттириб бера олди, — дейди Миср маданият маркази директори Холид Умар.

Фестивал якунига кўра, дўстлик ғалаба қозонди ва барча гуруҳлар олий ўринга лойиқ деб топилди.

**Шахло АБДУҚАЮМОВА,**  
«Turkiston» мухбири

### ■ Pedagog minbari ■

## МАЖБУРЛАБ ЭМАС, ҚИЗИҚТИРИБ

Бугунги кун ҳамма соҳада бўлгани каби таълимда ҳам биз, педагоглардан изланувчанлик, ижодкорликни талаб қилмоқда. Талабанинг дарсда фаоллигини ошириш, асосан, ўқитувчига боғлиқ.

Талабанинг қизиқиши ва мойиллиги асосида ўтилган дарс унга завқ беради. Талаба дарсдан маънавий озуқа олади. Қизиқиш билан қатнашаётган ўқувчи дарсни кўпроқ ва пухтароқ ўзлаштиради. Қизиқиш — танлаш демакдир, танлаш эса яқинроқ, яхшироқ билишга интилишдир.

Қизиқишлар асосида, хоҳиш ва истак билан мустақил, моҳиятини англаб ўзлаштирилган билим ва кўникмалар ўқувчи хотирасида бир умрга муҳрланади. Қизиқиш замирида ҳиссиёт ҳам ҳозир бўладики, унда билимлар шунчаки, йўл-йўлакай ўзлаштирилмайди. Ўқувчиларни дарсга, фанга қизиқтириш — ярим муваффақият дегани. Улар фанга, илм олишга қизиқдимиз, қолгани ўқитувчининг билим бера олиш салоҳиятига боғлиқ. Пайдо бўлган мотивация — иштиёққа мос билим бера олиш керак. Шундагина қўтилган натижаларга эришиш мумкин.

Ўқувчиларни дарсга қизиқтириш таълим жараёнининг энг юксак натижаси, ўқитувчининг педагогик маҳоратидан далолатдир. Бунинг учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчини яқиндан билиши лозим. Педагог ҳар бир синф, ҳар бир ўқувчи руҳиятига мос муомала, услуб, муносабат кашф этиши зарур.

Педагог-ўқитувчининг маҳорати ҳамма нарсани эмас, ўзида борини ўқувчиларга қизиқарли тарзда етказиб бера олишида кўрилади.

Қаттиқ талаблар, танбеҳлар, ёмон баҳо қўйиб жазолашлар, кўполлик, адолатсизлик ўқувчиларда кўркўв ва ўзига ишонмаслик, фикр билдирмаслик касаллигини келтириб чиқаради. Ўқитувчидан кўрқиб ўқувчиларни дарсларни ўзлаштирмаслик, ҳатто таълим муассасасидан нафратланишга олиб келади. Уларни интилиш қувончидан, яратиш завқидан маҳрум этмаслик лозим.

**Гулсанам БОЛТАЕВА, Матлуба АҲМЕДОВА,**  
Тошкент фармацевтика институти  
қошидаги академик лицей ўқитувчилари



## Жазосини олади

Ҳиндистоннинг Керала штатида яшовчи ёш ота-она ўн бир ойлик қизчасини парашютда учирди. Натижада, полиция буни болага нисбатан шафқатсизлик дея баҳолаб, жиноий иш қўзғайди.

Маълум бўлишича, ота-она парашютда болани учуриш билан бирга, бу ҳолатни видеога ҳам олган. Парвоз чоғида қизча қаттиқ йиғлаган, кўрққанидан оёқларини типирлатган. Парашют ерга қўнғач, ёш ота-она болани олиб, воқеа жойини тарк этган. Интернетда пайдо бўлган видеороликни кўрган инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия дарҳол полицияга мурожаат қилиб, чора кўришини сўраган эди.

## Аҳвол яхшиланди

Нигерия ҳукумати ўғирланган ўқувчи қизларнинг қаердалиги аниқлангани ҳақида маълум қилди.

Аниқ жойини ошкор этмас-да, ҳукумат буни ота-оналар учун яхши янгилик деб баҳолади. Мудофаа штаби бошлиғи Алекс Бадехнинг сўзларига қараганда, шошилиш ярамайди. Болаларнинг ҳаёти хавф остида.

Эслатиб ўтамиз, «Боко Ҳарам» террорчилик ташкилоти Нигериянинг Шибок шаҳридаги мактабга ҳужум қилиб, 276 нафар ўқувчи қизни ўғирлаб кетган. Улар қизларни чўри қилиб сотишларини айтиб таҳдид қилишди. Кейинроқ эса «Боко Ҳарам»нинг ҳибсдаги юз нафар аъзоси эвазига эллик нафар ўқувчи қизни алмаштириш бўйича музокаралар олиб борилган. Бироқ Нигерия ҳукумати бу келишувни ҳам номаълум сабабга кўра бекор қилган эди.

## Семизлик ҳам муаммо

Мексикада 2007 йилдаги дунёнинг энг оғир кишиси деб тан олинган Мануэл Урибе вафот этди.

48 ёшли рекордчининг ўлими сабаби ҳали ошкор этилмаган бўлса-да, унинг юраги ва жигарида жиддий муаммолар бўлгани маълум эди. У мазкур ойнинг бошида юрак аритмияси билан шифохонага кўтарма кран ёрдамида олиб келинган. Мануэлнинг вазни 2001 — 2007 йиллар оралиғида 597 килограмм эди. Вафот этганда эса 394 килограмм бўлган. Айни пайтда сайёрамизнинг энг оғир вазнли кишиси Саудия Арабистонида яшовчи Ҳолид Бин Мухсин Шаарийдир, унинг вазни 610 килограмм.

## Юбилей ғалаба

Лиссабондаги «Да Луж» стадионида бўлиб ўтган «Реал Мадрид» ва «Атлетико Мадрид» жамоалари ўртасидаги Европа чемпионлар лигаси финал учрашувида «Реал» 4:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

«Атлетико» ўйинчиси Годин 36-дақиқада ҳисобни очган бўлса, қўшиб берилган дақиқаларда «Реал» ўйинчиси Серхио Рамос боши билан Куртуа қўриқлаётган дарвозани аниқ нишонга олди. Қўшимча таймларда «Реал» ўйинчилари Бейл, Марсело ва Роналду гол урди. «Реал Мадрид» ўз тарихида ўнинчи марта Европа чемпионлар лигаси кубогини қўлга киритди. Жамоа ушбу мусобақада охириги марта 2001-2002 йилги мавсумда голиб чиққан эди.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир ҚАРОМАТОВ тайёрлади**



Badiiy gimnastika

## ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Тошкентда бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва «Harry Caravan» халқаро турнири якунланди

Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон, Хитой, Жанубий Корея, Япония, АКШ, Чехия, Латвия, ЖАР, Малайзия, Мексика, Россия, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Вьетнам, Исроил, Ҳиндистон, Италия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлардан 100 нафардан зиёд гимнастикачи ғолиблик учун бахшланди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида амалга ошириладиган кенг қўламли ишлар мамлакатимизда қизларга хос спорт турлари, жумладан, бадий гимнастиканинг жадал оммалашишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимизнинг турли ҳудудларида барпо этилган замонавий спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида бадий гимнастика тўғрисида фаолият юритмоқда. У ерда нафис спорт турининг сирларини ўрганаётган гимнастикачи қизлар жисмонан ва маънан соғлом улғайиш баробарида, нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган етук спортчилар бўлиб тарбияланмоқда.

Бу пойтахтимиздаги Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактабида ўтказилган бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва «Harry Caravan» халқаро турнирида яна бир бор ўз ифодасини топди.

Уч кун давом этган му-

собақалар сўнггида яккаликлар ва гуруҳлар ўртасида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича бахслар ўтказилди. Гимнастикачи қизларнинг халқа, тўп, булава ва тасма билан машқ бажариши, ижро маҳорати, мусиқа ва ритми ҳис этиши, чаққон ва нафис ҳаракатлари мухлисларга завқ бағишлади.

«Harry Caravan» халқаро турнири гуруҳлар ўртасидаги алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича ўтказилган финал мусобақасида гимнастикачиларимиз муносиб иштирок этди. Булава ва халқа ёрдамида машқ бажарган Комила Рустамова, Фарангиз Аҳмедова, Сабрина Рамазонова, Гўзал Райманова, Ирина Салех ва Карина Тоғаевадан иборат гуруҳ олтин ва кумуш медални қўлга киритди. Мазкур бахсларда Асал Аҳмедова, Саида Давидова, Нигина Қудратуллаева, Юлия Нуштае-

ва ва Елена Грубовадан иборат гуруҳ иккита бронза медаль билан тақдирланди.

Халқаро турнирнинг яккаликлар ўртасидаги бахсларида иқтидорли спортчимиз Анора Давлатова булавада, Нилуфар Шомуродова тўп билан машқ бажаришда бронза медални қўлга киритди.

«Harry Caravan» халқаро турнирида Россия, Озарбайжон, Исроил ва Хитой терма жамоалари аъзолари ҳам ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи мусобақасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Елизавета Назаренкова булавада машқ бажаришда бронза медаль билан тақдирланди. Тантанали маросим таниқли санъаткорлар ижросидаги концерт билан якунланди.

**Б.АЙТУРОДОВ,**  
ЎЗА муҳбири

|                   |               |                 |   |                        |                  |   |                   |                      |              |             |                    |   |               |                               |
|-------------------|---------------|-----------------|---|------------------------|------------------|---|-------------------|----------------------|--------------|-------------|--------------------|---|---------------|-------------------------------|
| →                 |               |                 |   |                        | Бувдой, арпа     | → |                   |                      | Ён дафтларча | →           | Кема бошқарув-чиси | → | Шафақ         | Сахро «кема»си                |
| Собиров (қўшқичи) | Онг, шуур     | Хонаки гул тури |   | Кема ошпази            | Сарсон-сарғардон |   | Эман, дарахт тури |                      |              |             |                    |   |               |                               |
| →                 |               |                 |   | Давлат, Африка қитъаси | →                |   |                   | Гўзаллик, малаҳат    |              | Хат, мактуб |                    |   | Олгинчи нота  |                               |
| Япроқ             |               | Кам, жичча      | → |                        | Бувдой пояси     |   | Юк автоси         | Поп-... (бодроқ)     | →            |             |                    |   | Америка туяси | →                             |
| →                 |               |                 |   | Қатор                  | →                |   |                   | Ер текислаш асбоби   | →            |             |                    |   |               | «... қалъаси маҳбуси» (фильм) |
| Кобра, питон      | Совға, тортиқ | Прокат, аренда  | → |                        |                  |   | Очун, дунё        |                      |              |             |                    |   | Учинчи нота   | →                             |
|                   |               |                 |   | Ашаддий ишқибоз        | →                |   |                   | Қарши футбол жамоаси | →            |             |                    |   |               |                               |

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

## ТОМЧИДА ҚУЁШ АКСИ

(ҚАЙТРАЛАР)

Икки дехқон ер хусусида бахшланмоқда. Биринчи «бу ер меники» деса, иккинчиси «йўқ, бу менинг ерим, отамдан қолган», дея ўз фикрини маъқуллашди. Ногоҳ, ер остидан садо келди: «Эй, ногонлар, бу ерлар икковингизники ҳам эмас, аксинча, икковингиз ҳам меникисиз!». . .

\*\*\*

Чумоллар меҳнатсевар бўлади, дейишади. Чиндан ҳам жонивор бир дақиқа бўлса ҳам тиним билмайди. Тоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ниманидир ташвиған-ташвиған.

Иттифроқ, абжир бир чумол кайтмак билан дон топиб олади. Севинганидан уни кўтарганича кўрга қараб тошири.

Бирон қимса кўриб қолмасин, деб ўзини бутазорлар орасига ўрди. «Энди менга лаза. Қориним тўқ, галташвишим йўқ», деб ўйлади чумол. Аммо у фонни келтирган жойи дала сичқонининг уни эканини англаб етмасди.

\*\*\*

Балиқларга ҳавасим келади. Улар дунёни фақат сувликдан иборат деб билса-да, тоза ва покиза бўлшади. Зотан, балиқ, гўштини лўқма ҳалол деб бежиз айтилмаган.

Қани энди, одамлар ҳам балиқлар сингари мангу сувликларда яшаса... Яшасин, тоза ва бугувор олам, дегим келади.

**Ашуралӣ БОЙМУРОД**

## «TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув **2014 йилнинг 5 июн** куни «Камолот» ЁИХ Навоий вилояти кенгаши раиси **Козим Тожиев** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни [www.kamolot.uz](http://www.kamolot.uz) сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни [savol@turkiston.uz](mailto:savol@turkiston.uz) электрон манзили ёки **(+99871) 233-79-69** телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Ўз позициянгизни намоён этишга шошилинг.

## ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

**Жузеппе Меацца, Эрнест Хаппел, Сантьяго Бернабеу. Бу номларни нима бирлаштириб туради?**

Жавобингизни **30 май** соат **16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига кўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

**Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Мажористон.** Тошкент шаҳридан Қобилбек Каримбеков, Бухоро давлат университети талабаси Шавкат Бобоҷонов тўғри жавоб йўллашди.

## YONDAFTARCHANGIZGA

Сиз илмга бор-йўлингизни бермагунингизча, у сизга бирор нарса бермайди.

**Абу Ҳомид Ғаззолий**